
Тумандаги 49-умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда

Қува тумани Байналминал маҳалласида жойлашган 49-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сон қарорига асосан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан таълим муассасасининг олди қисмини 200 метр темир панжара билан ўраш, 100 метр бетон девор ўрнатиш, спорт залининг иссиқлик тизимини таъмирлаш, мактабга кириш қисмида 800 метр йўлакларни асфальтлаш ишлари амалга оширилади. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 1,5 млрд.сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Амалга оширилаётган ишларни сифатли бажарилиши, ажратилган маблағларнинг тўғри ва тўлиқ сарфланиши юзасидан халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан доимий жамоатчилик назорати ўрнатилган.

2023-02-06 20:42:54